“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”
**Қарши туман тиббиет бирлашмаси**
**рахбари________________М.Мирсаидова**
**«_____» октябр 2022 йил**

**Қарши туман тиббиет бирлашмасининг ижрочи ташкилот танлаб олиш учун**

**ихтисослаштирилган ташкилотни аниклаш буйича**

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

**Қарши тумани-2022 йил**

**МУНДАРИЖА**


I Боб. Катнашчига курсатма.............. ... ... .......... ..................................................................... 3

II Боб. Танловнинг таклиф шакллари.................................................................................... 16

III Боб. Етказиб бериладиган махсулотларга техник талаблар ..................................................... 32

IV Боб. Тижорат кисми........................................................................................................ 84

V Боб. Шартнома шакли ....... ........................................................................................... 86

## I БОБ. КАТНАШЧИГА КУРСАТМА

**А. Умумий маълумот**

Танлов предмета
Мазкур танлов хужжатларида ишлатиладиган тушунчалар Танлов комиссиясининг вазифалари Техник ва тижорат таклифларини бахолаш гурухининг вазифалари Катнашчига танловда катнашиш учун куйиладиган малака талаблари Танлов доирасида хужжатларнинг махфийлигини таъминлаш

**Б. Танлов хужжатлари**
Танлов хужжатининг таркиби
Танлов хужжатларига аншушк киритиш
Танлов хужжатларига узгартириш ва кушимчалар киритиш
**В.Танлов хужжатларини тайёрланиши**

Танловда катнашиш харажатлари
Танловда кулланиладиган тил
Танлов таюшфини ташкил килувчи хужжатлар
Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари буйича тушунтириш
Мукобид таклифлар
Танлов таклифини расмийлаштириш ва имзолаш
**Г. Танлов таклифининг топширилнши ва очилиши**
Танлов таклифларини мухрлаш ва конвертларни белгилаш Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддати Танлов таклифларининг очилиши
**Д. Танлов таклифларини бахолаш ва голибларни аниклаш тартиби**
Танлов таклифларини бахолаш ва голибларни аницлаш Таклифларнинг мое келмаслиги
**Е. Шартномани расмийлаштириш**
Шартномани расмийлаштириш Тулов шартлари Шартномани имзолаш

А. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1. Танлов предмети

Танлов комиссияси уз фаолиятини Узбекистан Республикасининг “Давлат харидлари тугрисида”ги К,онуни ва Харид килиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва утказиш тартиби тугрисидаги низом (руйхат раками 276 , 20.05.2022 й.) асосан амалга оширади.

Танловни ташкил килишнинг асосий максадлари куйидагилар:

Танловни утказиш очик турда булиб, Карши тумани тиббиёт бирлашмасининг бюджет маблаглари хисобидан ижрочи ташкилот танлаб олиш учун ихтисослаштирилган ташкилотни аниклаш буйича танлов утказишни кузда тутилган.

Танловга куйилган хизматнинг ва ишларнинг нархи ____________ сум, кушимча киймат солиги билан.

Ишлар танлов хужжатларининг тижорат к.исмида жойлашган талабларига биноан бажарилиши лозим.

2. Мазкур танлов хужжатларида ишлатиладитън тушунчалар

Бюджет маблаглар хисобидан ижрочи ташкилот танлаб олиш учун - мазкур Танлов хужжатлари талабларини утказиш хизматини берувчи ташкилотни.

Танлов утказиш тартиби - бир боскичли.

Буюртмачи - Карши тумани тиббиёт бирлашмаси

Манзили: Карши туман, Бешкент шахри, С.Насафий кучаси -99 уй;

Танловни ташкил этиш ва утказиш учун масъул шахс -танлов комиссияси котиби ;

Тел.: (99897) 000 19 74.

3. Танлов комиссиясининг вазифалари:

-танлов утказиш тартиб-коидаларини белгилайди;

-белгиланган тартибда танловни утказади;

-танлов талабгорларига тааллукли барча хужжатларни такдим килиш, муддатини узайтириш тугрисида к.арор кабул килиш;

-танлов буйича келиб тушган таклифларни очиш санасини белгилаш;

-таклифлар билдирилган конвертларни очади, уларнинг танлов хужжатлари билан белгиланган талабларга (таадим этилган хужжатларнинг туликлиги, уларнинг расмийлаштирилиши ва хоказо) мувофиклигини текширади;

- талабгорлар томонидан таадим этилган таклифларини куриб чикишда нархларнинг сунъий равишда оширилишини олдини олиш ва холисликка хамда конун хужжатлари талабларига катъий риоя килиш;
- зарур холларда комиссия фаолиятига мутахассис ходимлар жалб этилишини назарда тутиш;
- голиб деб топилган талабгорлар билан шартнома имзолаш буйича таклиф беради.

Танловни^ ташкилотчиси - Ишчи орган. Унинг вазифасига куйидагилар киради:

- танлов хужжатлари ишлаб чикилишини таъминлайди ва уларни урнатилган тартибда талабгорларга таадим этади;
- танлов утказилиши тугрисида республика товар хом ашё биржасинng www.xarid.uz порталида эълон беради;
- танлов таклифларини бахолаш мезонлари ишлаб чикилишини таъминлайди.

4. Техник ва тижорат таклифларни бахолашда танлов комиссиясининг вазифалари:

-танловнинг техник таклифларини урганади, тахлил килади ва куриб чикади;

-энг яхши техник таклифни аниклайди;

-катнашчиларнинг танловга таадим этилган молиявий хужжатларини ва нарх таклифларини урганади, тах.лил килади ва куриб чикади;

-энг яхши танлов таклифини аниклайди, голибни аниклайди ва карор кабул килади.

Катнашчи - мулкчилик шаклидан катъий назар, танлов талабларида курсатилган ишлар ва хизматларни курсатиш буйича тажрибага эга булган ташкилотлар.

Катнашчи:

- таадим этилган маълумотлар ва хужжатларнинг хакикийлиги ва тугрилиги учун жавобгарликни уз зиммасига олади;
- факат битта таклифни такдим этиш хукукига эга;
- таадим этилган таклифни таклифларни таадим этиш муддати тугамагунча кайтариб олиш ёки узгартириш хукукига эга.

5. Катнашчитъ танловда катнашиш учун к^иладиган малака талаблари

Танлов таклифларини тайёрлайди ва танлов комиссиясига таадим этади. Уларнинг фаолиятини ва молиявий холатини бахолаш учун зарур булган кушимча ахборотни таадим этади (Танлов комиссиясининг суровига кура).

5.1. Танлов катнашчиларини малакали танлови Танлов комиссияси томонидан амалга оширилади.

Танлов катнашчилари куйидаги хужжатлар ёрдамида малакали танланади:
4

- корхона ва ташкилотларининг кичик ёки йирик бизнес субъектларига тегишлилиги тугрисидага маълумотнома;
- талабгор банкрот холатида эмаслигини тасдимовчи маълумотнома;
- талабгорнинг тугатилиш ёки кайта ташкил этилиш жараёнида эмаслигини тасдимовчи маълумотнома;

-юридик шахе сифатида давлат руйхатидан утганлигини тасдикповчи гувохноманинг нусхаси;

- тегишли ваколатли орган томонидан берилган танлов талабларини амалга ошириш хукукини берувчи лицензиянинг нусхаси;
- давлат солик инспекцияси ва талабгор уртасида бюджет ва бюджетдан ташкари жамгармалар олдидаги

мажбуриятлар буйича карзи йумиги тугрисида маълумотнома;

- хизмат курсатувчи банк томонидан талабгорнинг хисоб ракамларида картотека (К-2) буйича карзи йуклиги тугрисида маълумотнома асли.

Давлат ташкилотлари томонидан саралаш боскичига такдим этиш учун берилган хар бир маълумотномада талабгорнинг СТИРи курсатилган булиши ва танлов эълон килингандан сунг олинган булиши шарт.

5.2. Малакали танловдан утган катнашчи танлов комиссиясига (мухрланган) ва ички мухрланган конвертни **йулланма хат** билан такдим килган булишлари керак. Конвертда талабгор номи, манзили ва Танлов комиссияси манзили, номи хамда иштирок этаётган лот раками курсатилган булиб, куйидаги хужжатлар булиши лозим:

- катнашчининг ташкилий шакли (1-шакл);
- катнашчи тугрисида умумий маълумот (2-шакл);
- катнашчининг тажрибалари тугрисида маълумот (3-шакл);
- молиявий ахволи (4-шакл);
- махсулотни тайёрлаш ва хизматларни курсатиш учун моддий ресурсларнинг мавжудлиги (5-шакл);
- закалат хакида келишуви ва Буюртмачининг хисоб ракамига утказилган закалат сумма тугрисида тулов топширикномасининг асли, агар танлов талабларида курсатилган булса (6-шакл);
- махсулотнинг ва хизматнинг техник тавсиф жадвали (7-шакл);
- охирги уч йиллик молиявий хисобот (хисобхона баланси ва молиявий натижалар) нусхаси;
- махсулотни етказиб бериш, хизматларни курсатиш жадвали асли (8-шакл);
- танлов таклифи асли (9-шакл);
- махсулот, хизмат учун таклиф килинаётган нарх асли (10-шакл);

5.3. Катнашчи танлов таклифларини тайёрлаш ва такдим этиш давомида сарфланган барча молиявий харажатларни уз хисобидан коплайди.

5.4. Танловда голиб чиккан такдирда буюртмачи билан шартнома тузади.

**Танлов голиби -** таклифларни бахолаш якунлари буйича танловда энг куп балл туплаган танлов катнашчиси.

**Захирадаги катнашчи -** танлов голибидан кейинги уринда турган куп балл туплаган катнашчи.

5.5. Танловга куйидаги катнашчилар куйилмайди:

- шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг хамда бошка ресурслари мавжуд булмаган;
- шартнома тузиш учун конуний хукукка эга булмаган;
- тугатиш ёки банкротлик боскичида булган;
- фаолияти суд ёки хакамлик судида мухокамада куриб чикилаётган;
- давлат реестрида руйхатга олинганлигига олти ой муддатдан кам булган;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона руйхатида булган;
- соликлар ва бошка мажбурий туловлар буйича бюджет ва бюджетдан ташкари фондлар олдида карздорлиги мавжуд булган;
- имтиёзли солик режимини таъминлайдиган ва/ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор килиш ва такдим этишни назарда тутмайдиган худудларда руйхатдан утган ва банк хисоб ракамларига эга булган;
- аввал имзоланган шартномалар буйича келишилган мажбуриятларни уз муддатида бажармаган;
- тегишли тижорат ва молиявий курсаткичлар буйича Комиссия талабларига жавоб бермаганда, улар тугрисида тегишли карор кабул килинади.

Буюртмачи куйидаги холларда иштирокчини харид тартиб-таомилларида катнашишдан четлаштиради, агар:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита мижознинг хар кандай амалдаги ёки собик мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошка давлат органининг хар кандай шаклда маблаг, иш таклифини ёки бошка хар кандай кимматбахо буюмларни ёки хизматларни таклиф килиши, бериши ёки беришга рози булганлиги - ёки харидорнинг давлат харидлари жараёнида харакатлари юзасидан карор кабул килиши ёки хар кандай ракобат тартибини куллаши;
- иштирокчи конунга хилоф равишда адолатсиз ракобат устунлиги ёки манфаатлар тукнашувига эга булса.

**6. Танлов доирасида хужжатларнинг махфийлигини таъминлаш**

6.1. Тушган таклифларнинг куриб чикилиши, уларнинг танлов комиссияси аъзолари томонидан бахоланиши тугрисидаги ахборот махфий хисобланади хамда танлов тартиб-коидасига расман алокадор булмаган шахсларга маълум килинмайди. Танлов комиссияси аъзолари мазкур ахборот ошкор килинганлиги учун канун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар. **Б. ТАНЛОВ ЖУЖЖАТ ЛАРИ**

**7. Танлов хужжатининг таркиби**

7.1. Танлов катнашчиси унга берилган танлов хужжатини ва шу билан бирга барча курсатмалар, шакллар, шартлар ва техник гафсилотларни тулик урганиб чикиши шарт.

7.2. Танлов хужжатларида курсатиб утилган барча талаб килинган маълумотларни бермаслик ёки таклифнинг танлов хужжатлари талабларига тулик тугри келмаслиги, таклифнинг кабул килинмаслигига олиб келади,

**8.** Танлов хужжатларига аниклик киритиш -

8.1. Хужжатларни такдим этиш муддати тамом булгунга кадар Кдтнашчи танлов хужжатларига кандайдир аниклик киритиш учун танлов комиссиясига ёзма равишда мурожаат килишлари мумкин:

8.2. Танлов комиссияси талабгорнинг суровига кура Танлов таклифларини такдим этишнинг сунгги муддатидан камида 3 кун олдин суров манбасини курсатмаган холда танловнинг барча катнашчиларига мажбурий тартибда жавоб юбориб, танлов хужжатларининг мохияти ёки мазмуни билан боглик саволга ёзма жавоб бериши шарт.

**9. Танлов хужжатларига узгартириш ва кушимчалар киритиш**

9.1. Таклифларни такдим этиш муддати тамом булгунга кадар камида 3 кун олдин танлов комиссиясининг комиссия карорига мувофик талабгорларга маълум килиб, таклифга тузатиш киритиш учун етарли булган вахт берган холда, унинг муддатини узайтириб, танлов хужжатларига Узгартириш ва кушимчалар киритишга хаклидир.

**В. ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАНИШИ**

**10. Танловда катнашиш харажатлари**

10.1. Танловда иштирок этиш ва танлов хужжатини тайёрлаш билан боглик булган барча харажатлар катнашчининг маблаглари хисобидан амалга оширилади.

10.2. Нарх таклифида курсатилган нарх танлов таклифи нархи хисобланади.

10.3. Танлов таклифи нархи миллий валюта - сумдатуланиши керак.

10.4. Махсулот (хизмат, иш) нархи(таклиф)га барча харажатлар, яъни солик хамда бюджет ва бюджетдан ташкари жамгармаларга мажбурий туловлар киритилади.

10.5. Кдтнашчи томонидан белгиланган нархлар хизматларни курсатиш мажбуриятларини охирига етказилмагунга кадар узгартирилмайди (танлов комиссиясининг нархларни тушириш буйича музокаралар олиб бориш натижасида узгартиришлар киритилиши мумкин).

10.6. Нархларнинг ошишига караб узгартириладиган нархларни кузда тутувчи танлов таклифлари исталган боскичда, танлов талабларига жавоб бермайди деб каралади ва танлов комиссияси томонидан куриб чикилищи рад этилади.

**11. Танловда кулланиладиган тил**

11.1. Кдтнашчилар томонидан берилаётган таклифлар, Буюртмачи ва катнашчи уртасидаги хатлар ва барча тегишли хужжатлар узбек ёки рус тилида тайёрланади.

**12. Танлов таклифини ташкил кнлувчи хужжатлар**

12.1. Танлов таклифлари бир асл нусхадан, факат мухрланган конвертда булиши лозим. Танлов комиссияси номини ва манзили курсатилган конвертда **5.2-бандда** келтирилган хужжатлар, йулланма хат билан биргаликда кабул килинади.

Конвертнинг юза кисмида иштирокчининг номи, богланиш учун телефон ракамлари, юридик манзили ва танлов номи ва лоти курсатилади.

Конвертда — ишлар ва хизматларни бажариш жадвали, танлов таклифлари, ишлар ва хизматларни учун таклиф кшшнаётган нарх курсатилади.

12.2. Танлов комиссияси лозим булганда Танлов катнашчиларидан такдим этилган Танлов таклифларини тасдиклаш учун кушимча ёки бошка маълумотларни талаб килиши мумкин.

**13. Таклиф шакли ва нарх жадвали шакллари буйича тушунтириш**

13.1. Катнашчи танлов таклифини кагьий равишда мазкур танлов хужжатининг II бобидаги шакллар ас оси да бериши керак.

13.2. Танлов таклифи шаклларидаги барча б^ш графалар танлов хужжатлари талаблари асосида тулдирилиши зарур.

13.3. Кдтнашчи таклиф этилаётган махсулот (хизмат) учун нарх таклифини танлов таклифи шакли асосида такдим этиши керак.

**14. Мукобил таклифлари**

14.1. Афзалрок техник (функционал) курсаткичларга эта булган ишлар ва хизматларни куринишида берилган мукобил таклифлари б^лиши мумкин. Бу холда нарх курсаткичларини бахолаш пайтида бундай таклифларга бошда таклифларга нисбатан имтиёзлар берилмайди.

14,2, Паст техник (функционал) курсаткичларга эга булган махсулот (хизмат) куринишида берилган танлов таклифлари куриб чикилмайди.

**15. Танлов таклифларини расмийлаштириш ва имзолаш**

15.1. Танловда иштирок этиш учун катнашчи танлов хужжатларини имзолаш ваколати бор Узининг вакилини тайинлаши мумкин. Вакил томонидан имзолаш учун катнашчи уз вакилига тегишли ишонч хати бериши лозим, ишонч хати ташкилотнинг ваколатга эга шахси томонидан имзоланган ва мухрлаыган булиши керак.

Танлов иштирокчиларининг таклифлари ип билан тикилган, ракамланган, мухр куйилган ва иштирокчининг ваколатли шахсининг имзоси билан тасдикланган ёки таклифларнинг хар бир вараги имзоланган холда такдим этиш тавсия этилади.

15.2. Берилган таклифларда ёзув каторлари орасига кУшиб ёзиш учун жой ташланишй ёки учириш холатлари мавжуд булса, бу таклиф уз кучини йукотади ва рад этилади.

15.3. Танлов катнашчисининг имзоланмаган, елимланмагаи ва мухрланмаган конвертлари куриб чикилмайди ва Танлов комиссияси томонидан рад этилади.

Г. ТАНЛОВ ГАКЛИФИНИНГТОПШИРИЛИШИ ВА очилиши

**16. Танлов таклифларини мухрлаш ва конвертларни белгилаш**

16.1. Танлов кагнашчиси танлов таклифларини мазкур танлов хужжатлари талабларига катьий риоя килган

холда мухрлаши керак.

16.2. Кдтнашчининг танлов таклифи, танлов очилган кундан бошлаб 30 (уттиз) кун мобайнида уз кучини саклаши лозим.

16.3. Айрим холларда танлов комиссияси танлов катнашчисидан таклифнинг амалда булиш муддатини узайтиришни сураши мумкин. Бу суров ва жавоб хат (телеграмма) куринишида расмийлаштирилади.

**17. Танлов таклифларини топширпшнинг охирги муддати**

17.1. Кдтнашчиларнинг танлов таклифлари Электрон порталда эълон берилган кундан бошлаб 10 календарь кундан кечикмасдан танлов комиссиясига топширилади (шанба, якшанба дам олиш куни).

17.2. Танлов таклифларини топширпшнинг охирги муддати хеч кандай шароитда кучирилмайди (9.1-бандида эслатилган тасодифий холатяардан ташкари).

17.3. Танлов таклифларини топширишнинг охирги муддатига 3 кун колгунга кадар танлов катнашчиси уз таклифларини кайтариб олиши ёки таклифга узгартириш киритиши мумкин.

17.4. Танлов катнашчиси томонидан танлов хужжатларида талаб этилган маълумотлар тулик такдим этилмаслиги ёки мазкур танлов хужжатлари талабларига жавоб бермайдиган таклифлар (конвертларнинг ёпиштирилмасдан берилиши, шаклларнинг нотугри т^лдирилиши, талаб килинган хужжатларни такдим этмаслик ва х.к) кУриб чикилмайди ва рад этилади.

**18. Танлов таклифларининг очилиши**

18.1. Танлов таклифлари беришнинг белгиланган муддати тамом булгач белгиланган кундан 10 кундан куп булмаган муддатда танлов комиссияси танлов таклифлари берилган конвертам очади.

Таклифлар билдирилган конвертлар, катнашчилар ёки уларнинг тулаконли вакиллари иштирокида очилади, Кдтнашчилар вакиллари катнашмаганлиги конвертнинг очилмаслигига ёки мазкур жараённинг кайта утказилишига асос була олмайди.

18.2. Конверт очилгандан кейин танлов катнашчилари танлов комиссияси томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб утилади, танлов хужжатларининг талабларга мослиги ва шартларнинг тулаконли бажарилиши текширилади.

18.3. Хужжатлар пакетида танлов хужжатларига куйиладиган талаблар бузилганлиги аникланган тавдирда, хужжатлар уларнинг мазмуни эълон килинмасдан катнашчига кайтарилади.

18.4. Танлов комиссияси мажлисининг натижалари баённома билан расмийлаштирилади. Баённомада танлов катнашчилари томонидан эътироф этилган ташкилотлар санаб утилади. Шакл буйича такдим этилмаган ва танловга куйилмаган таклифлар, баённомада улар рад этилишининг сабаблари курсатилган холда алохида санаб утилади.

18.5. Танлов таклифлари билдирилган конвертларни очиш ва голибни аниклаш тугрисидаги баённома оммавий ахборот воситаларида эълон килинмайди.

**Д. ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ БАХОЛАШ ВА ТОЛИБЛАРНИ АНИКЛАШ ТАРТИБИ**

**19. Танлов таклифларини бахолаш ва толибларни аниклаш**

19.1. Танлов комиссияси танлов таклифларини техник, ташкилий-молиявий ва тижорат жихатдан бахолаш танлов комиссияси аъзолари томонидан амалга оширилади.

19.2. Танлов таклифларини бахолаш икки боскичдаи иборат:

- техник, ташкилий-молиявий;
- тижорат.

19.2.1, Танлов таклифларини бахолаш вактида Танлов комиссияси танлов кдтнашчисидан унинг танлов таклифлари борасида тушунтиришлар беришини страши мумкин.

19.2.2. Катнашчиларнинг тижорат таклифларини барча учун тент шартлар асосида утказинг максадида уларнинг танлов таклифларини бахолашда, сифатли махсулот етказиб беришдан (хизмат курсатишдан, иш бажаришдан) иборат болтан танлов таклифлари буйича конунчилик асосида кушимча кушилган киймат солиги туловчилари томонидан солидсуммаси киритиб хисоб килинади.

19.3. Бахолар 1- 2 ва 3-жадвалларга асосланган холдаги 4-жадвал умумлаштирувчи, яъни 10 баллик шкала буйича куйилади.

19.4. Танлов таклифларини уларнинг техник амалга ошувчандигига нисбаган бахолаш Танлов таклифларини техник ва ташкилий-молиявий бахолаш мезонларга асосан амалга оширилади (1-жадвал).

19.5. 1, 2, 3, 4, 6, 7-шакллардан ёки 5.2 бандда курсатилган хужжатлардан бирортаси мавжуд булмаса конверт оч ил наслан кайтарилади.

19.6. Танлов хужжатининг 5-шакли мавжуд булмаса, бахоси нолга тенг деб топилади.

19.7. Танлов катнашчиларининг таклифларини молиявий бахолаш, тижорат таклифларни бахолаш мезони асосида аншушнади (3-жадвал).

19.8. Танлов таклифларини караб чикиш муддати 10 кундан ошмайди.

19.9. Энг к^п балл туплаган катнашчи голиб деб хисобланади.

19.10. Танлов хужжатларининг 8, *9* ва 10-шакллардан бири мавжуд булмаса, таклиф бахоланмайди.

19.11. Якун чикариш ва танловнинг голиби тугрисидаги карор танлов комиссияси томонидан кабул килинади. Толибни танлашда Танлов комиссияси аъзоларининг якка тартибдаги хулосасига асосланилади. Карор танлов комиссияси аъзолари умумий сонининг оддий, купчилик овози билан кабул килинади. Овозлар тенг булиб колган такдирда, Танлов комиссияси раисининг овозй хал килувчи овоз хисобланади.

19.12. Танлов комиссияси танлов хужжатлари шартларига мос келмайдиган хар кандай танлов таклифларини кабул килиш ёки рад этиш хукукини узида олиб колади.

19.13. Танлов комиссиясининг суровларига жавоб бера олмайдиган катнашчилар томонидан такдим этилган (берилган) хар кандай тушунтиришлар куриб чикилмайди.

19.14. Танлов комиссиясининг якуний баённомасида голиб ва захирадаги катнашчилар, танлов комиссияси хулосаси, катнашчиларнинг танлов таклифлари йигма жадвали ва голиб билан шартнома имзолашнинг мулжалланаётган муддатлари тугрисидаги ахборот мавжуд булади.

Баённома йигилишда иштирок этган аъзолар томонидан имзоланиши ва танлов комиссияси райей томонидан тасдикданиши керак.

19.15. Танлов ташкилогчйси танлов голибига танлов якунлангандан кейин уч кундан кечикмай ёзма билдиришнома юборади ва якунларини Республика говар-хом ашё биржасининг www.xarid.uz махсус порталида эълон килади.

**20. Таклифларнинг мос кслмаслиги**

20.1. Танлов хужжатларини текшириш чогида аникланган арифметик хатолар мавжуд булган такдирда танлов комиссияси:

катнашчига танлов таклифига тузатиш киритиш имкониятини бериши;

таклифларни бахолашда, товар (хизмат, иш) ыархи билан бирлик нархи ва сонини купайтириш натижасида олинган якуний нарх уртасида номувофикдик мавжуд булса, товар (хизмат, иш) нархи устунлик киладиган, умумий нархга тузатиш киритиладиган карор кабул килиши мумкин. Агар сузлар билан ёзилган сумма (нарх) билан ракамда курсатилган сумма (нарх) уртасида номувофикдик мавжуд булса, у холда сузлар билан ёзилган сумма (нарх) устунлик килади.

20.2. Агарда катнашчи хатоларни тугрилашдан бош тортса, унинг танлов таклифи танлов комиссиясининг карори билан четлаштирилади.

20.3. Танловда иштирок этиш учун катнашчи хукуки бошка юридик шахега утказилишига йул куйилмайди.

20.4. Танлов куйидаги холларда булиб Утмаган деб эълон килинади:

тегишли лот буйича танлов таклифларини такдим этишнинг энг охирги муддатигача таклиф тушмаса ёки факат битта таклиф тушеа;

барча танлов таклифлари танлов хужжатларига куйиладиган талабларга мувофик булмаса;

барча танлов таклифларида танлов хужжатлари шартлари билан талаб килинадиган хужжатлар мавжуд булмаса;

барча катнашчиларнинг таклиф этган нархлари товарнинг бошлангич кийматидан анча юкори булса.

20.5 Танловнинг булиб утмаган, деб эълон килиниши танлов катнашчиларидан бирон-бирининг мулкий ёки бошка жавобгарлигига олиб келмайди.

*1-жадвал*

## ИШТИРОК ЭТУВЧИ ЮРИДИК ШАХСНИНГ МАЛАКА МЕЗОНЛАРИ

| т/р | Бахолаш мезонлари | Тасдиқловчи воситалар ва хужжатлар | Бахолаш |
|---|---|---|---|
| 1 | Лаборатория диагностика фаолияти буйича камида **бир неча** йиллик иш тажрибаси | Корхонанинг давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувохнома ёки лицензия нусхаси | 5 йил ва ундан куп - 10 балл; 3 йилдан кам - 0 балл. |
| 2 | Юридик шахснинг тендерда курсатилгаи 2020/2021/2022 йилдаги лаборатория тахлилларининг ташқи сифат назоратидан муваффақиятли ўтганлиги, Халкаро даражада лаборатория хизматларини кўрсатиш тажрибасига эга бўлиш (ҳалқаро сертификатни мавжудлиги) | Ташқи сифат назорат сертификати | Тахлилларнинг 80 фоиздан ортиғи - 25 балл;80 фоиздан кам - 0 балл. |
| 3 | Республика Президентининг 2022 йил 28-апрель кунидаги 35-сонли йиғилиш баёнининг 137-бандига асосан, вилоят ҳудудида фаолият юритаётган <u>**маҳаллий**</u> юридик шахс эканлиги ва камида 20 нафар малакали ходим ишга қабул қилинганлиги. | Даромад солиғи ва пенсия тўловлари ҳақидаги маълумотлар, меҳнат шартномалари ва фуқаролик - хуқуқий келишувлар. | Ха - 10 балл; Йуқ - 0 балл. |
| 4 | Юридик шахснинг молиявий барқарорлиги (солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги) | Шартномалар, сертификат ва бошқа тасдиқловчи хужжатлари | Ха - 10 балл; Йуқ - 0 балл. |
| 5 | Лаборатория ахборот тизимидан фойдаланиш ёки мавжуд ахборот тизими (дастурий таъминот)ни оптимизация қилиш тажрибаси. | Ахборот тизими (дастурий таъминот) бўйича экрандан олинган расмлар | Ха -10 балл; Йуқ - 0 балл. |
| 6 | Юридик шахс рахбарияти таркибида олий маълумотли ходимларнинг мавжудлиги юридик шахсда қуйидаги йуналишдаги олий маълумотли ходимлардан бирининг мавжудлиги (лабаратория врачи) | Диплом, сертификат ва бошқа тасдиқловчи хужжатлар | Иккита мавжуд - 10 балл; Биттадан кам мавжуд - 0 балл. |
| 7 | Тендирда кўрсатиб ўтилган ускуналарни техник қуллаб-кувватлаш имкониятининг мавжудлиги. Бу тегишли сертификатлар билан хужжатлаштирилади. | Ускуна етказиб берувчилар билан тузилган хизмат кўрсатиш шартномалари | Ха - 10 балл; Йуқ - 0 балл. |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 8 | Юридик шахснинг иш тажрибаси ва фаолияти юзасидан Вилоят соглиқни сақлаш бошқармаси ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг муносабати | Кўрсатма хат, буйруқ ёки бошқа ҳужжатлар | Ха - 15 балл; Йуқ - 0 балл. |
| | Жами: | | 100 |

**Таклифлар нархларини бахолаш**

Қабул қилинган таклифлар нархларини бахолаш Харид қилиш комиссияси томонидан бахолашдан сўнг амалга оширилади.

Жадвал 2

Нархлаш мезонлари

| Ракам | Мезон | Бахолаш | Хисоб |
|---|---|---|---|
| I | Энг паст нарх, 'Гестлар руйхати ва бошқалар / Энг юқори нарх бахоси<br>Энг юқори балл энг паст курсаткич қийматига берилади. | Бахо = (Энг паст киймаг / Тахдил хилинган мезон киймати)* **100**)балл Энг юқори балл: бахолаш тизими бўйича **100** балл | Энг юқори балл - **100:** Энг паст балл - **0.** |

| «К Е Л И Ш И Л Д И» | «Т А С Д И Қ Л А Й М А Н» |
| --- | --- |
| ____________ Ф.И.Ш<br>(имзо)<br><br>« ____» ____________ 2022 йил | ________________________________<br>Ташкилот номи<br>________________________________<br><br>____________ Ф.И.Ш<br>(имзо)<br><br>« ____» ____________ 2022 йил |

**__________________ _______________ хариди юзасидан**

**энг яхши таклифларни танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари**

**Тошкент-2022 йил**

**МУНДАРИЖА**


| | |
|---|---|
| I-боб. | Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома |
| II-боб. | Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар |
| III-боб. | Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби |
| IV-боб. | Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби |
| V-боб. | Энг яхши таклифларни танлашда натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби |
| VI-боб. | Намунавий ҳужжатлар шакли ва Шартнома лойиҳаси. |

## I-боб. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчилари учун йўриқнома

Мазкур энг яхши таклифларни танлаш (бундан буён матнда танлаш деб юритилади) бўйича харид қилиш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелда қабул қилинган 684-сон “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда –Қонун), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат харидларини амалга ошириш билан боглиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида ги низомга мувофиқ ишлаб чиқилган.

**Энг яхши таклифларни танлаш орқали давлат харидларида иштирок этиш босқичлари қуйидагиларни ўз ичига олади:**

1. Электрон танлов ва тендер савдоларида етказиб берувчи сифатида қатнашиш учун аввал махсус ахборот порталининг ____________ веб-сайтида рўйхатдан ўтиш керак бўлади. Етказиб берувчи тизимда фақатгина электрон рақамли имзодан (ЭРИ) фойдаланиб рўйхатдан ўтиши мумкин бўлади.
2. Тизимда рўйхатдан ўтиш жараёни тугаллангандан сўнг, Ҳисоб-китоб клиринг палатасида мижоз учун шахсий кабинет очилади.
3. Электрон танлов ва тендер тизимида рўйхатдан ўтгандан сўнг, етказиб берувчи Ҳисоб-китоб клиринг палатасига аванс тўлови ва операторнинг воситачилик йиғимига етарли даражада маблағ киритиши зарур.
4. Етказиб берувчи электрон танлов ва тендерда иштирок этиш учун зарур лотни сайтдан қидириб топиш керак.
5. Етказиб берувчи ўзи етказиб бериши мумкин бўлган товар бўйича буюртмаларни қидираётганда, товарнинг етказиб бериш шартлари, унинг спецификаси ва буюртмачининг алоҳида талабларини кўздан кечириши лозим.
6. Электрон танлов иштирокчисида танлов (тендер) ҳужжатлари бўйича саволлар юзага келадиган бўлса буюртмачига очиқ электрон чат орқали танлов (тендер) таклифларини бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин мурожаат қилиши мумкин бўлади.
7. Танлов (тендер) билан батафсил танишиб чиқилгандан сўнг агар иштирокчи айнан ўзи батафсил танишиб чиққан танлов (тендер) бўйича савдода иштирок этишни истаса, танлов (тендер)да иштирок этиш учун таклифлар киритади.
8. Танлов ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб электрон тизим автоматик равишда:
   - танлов таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра энг кўп балл тўплаган иштирокчини (балларни баҳолаш усулидан фойдаланганда);
   - электрон танловда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) голиб сифатида аниқлайди.
9. Электрон тизим зарур ҳолларда заҳира голибини аниқлайди.
10. Танлаш натижаларига доир шартнома танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган таклифда назарда тутилган шартлар асосида тузилади.

______________________________________________

(ташкилот номи)

энг яхши таклифларни танлаш ўтказилиши тўғрисидаги

**Эълони**

**Танлашни ўтказиш шакли:** Танлаш мажбурий тартибда электрон шаклда ўтказилади (Қонуннинг 56-моддасига мувофиқ).

**Давлат буюртмачиси:** ________________________________ (бундан буён матнда буюртмачи деб юритилади).

**Харид предмети:** *(товар, иш хизмат номи ва миқдори кўрсатилади).*

**Харид предметининг бошланғич нархи ва етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) шарти:** ҳар бирининг нархи _________ сўмдан (қўшимча қиймат солигини инобатга олиб) ошмаган ҳолда жами суммаси ____________ сўм.

**Товарни етказиб бериш (иш, хизматни тугаллаш) муддати** давлат буюртмачиси ва етказиб берувчи ўртасидаги келишувга асосан белгиланади.

**Харид амалга ошириладиган валюта:** *Ўзбекистон Республикасининг миллий* валютасида.

**Тўлов шартлари:** Бюджет буюртмачиси шартнома кучга кирганидан сўнг 15 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва товар етказиб берилганидан (иш бажарилгандан, хизмат кўрсатилганидан) сўнг қолган *85* фоизи тўлаб беради.

**Харид ҳужжатлари билан танишиш:** Талабгорлар харид қилиш тартиб-таомилларини ўтказиш тўғрисидаги эълонларнинг, харид қилиш ҳужжатларининг намунавий шакллари билан махсус ахборот порталининг қуйидаги сайтлари орқали танишиб чиқишлари мумкин:____________________________________________________________

**Танлаш ўтказадиган оператор номи ва унинг веб-сайтига ҳавола:** ______________________________

**Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар:**

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик;

солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги.

**Буюртмачи билан алоқа боғловчи мансабдор шахс:** *Ф.И.О*, тел.: _______________.
Манзили: ____________________________________________________

**Таклифларни тақдим этишнинг охирги муддати:**

**“кун” “ой” “йил” дан “кун” “ой” “йил”, “соат” “мин” “сек”гача**

(иштирокчи таклифини электрон конверт кўринишида шахсий кабинети орқали юқорида кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этиши лозим.)

**Иштирокчиларга нисбатан қўшимча талаблар:**

Қонуннинг 34-моддасида назарда тутилган шартлар;

харид комиссияси томонидан ўтказиладиган дастлабки малака танловидан ўтган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади;

мазкур танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади;

таклифларни таъминлаш учун иштирокчи буюртмачини ҳисоб рақамига закалат тарзида харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ харид предметининг бошлангич нархи жами суммасининг 3% миқдоридаги маблагни қуйидаги ҳисоб рақамларга ўтказиб бериши шарт:

СТИР: ________________________________________

ҳ/р:___ ________________________________________

МФО:___ ______________________________________

Банк номи:___ ________________________________________

ш/ҳ:___ _________________________________________

## II -боб. Иштирокчиларга қўйиладиган талаблар

Мазкур танлашда давлат харидларини бажариш учун талабгор сифатида Ўзбекистон Республикасининг резиденти ёки норезиденти бўлган юридик шахси иштирок этиши мумкин.

Иштирокчиларга кўшимча талаблар қўйиладиган давлат харидида иштирок этиш учун иштирокчилар дастлабки малака танловидан ўтади.

Харид комиссияси дастлабки малака танловини ўтказади (танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса) ва унинг натижаларини ҳисобга олган ҳолда иштирокчиларни таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш юзасидан қарор қабул қилади.

Дастлабки малака танлови харид қилиш ҳужжатларини 1-иловасида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларни таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

**Иштирокчилар қуйидаги мезонларга мувофиқ бўлиши керак:**

таклифларни таъминлаш учун закалат маблаглари тўлиқ миқдорда ўтказилганлиги;

техник топшириққа доир талабларга мос келувчи таклифлар мавжудлиги;

шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг ҳамда бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалиги;

солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд эмаслиги;

ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги;

ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибасига эгалиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги.

Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси таклифларни танлаш бўйича айни битта лотда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

Танлашда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар харид комиссиясига ўтказилаётган танлаш юзасидан тушунтириш бериш бўйича сўров юборишга ҳақли.

Мазкур сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар ушбу сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин келиб тушган бўлса, танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришларни юборади. Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Ушбу танлашни ўтказишда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларини баҳолашда маҳаллий ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан импорт товарларининг DDP нархидан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференция берилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
1-илова

## Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби

Дастлабки малака танлови харид қилиш тартиб-таомилининг бир қисми бўлиб, унинг натижаси давлат харидлари тўғрисидаги шартномани тузиш учун асос ҳисобланмайди.

Дастлабки малака танловини ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари барча учун бир хил ҳисобланади ҳамда давлат харидларининг асосий принципларига зид бўлмаслиги лозим.

Танлаш бошланишидан олдин харид комиссияси иштирокчиларнинг малакавий танловини ўтказади. Танлашнинг кейинги босқичида фақат малака танловидан ўтган иштирокчилар иштирок этишлари мумкин.

Дастлабки малака танловини ўтказиш учун талабгорлар харид қилиш ҳужжатларининг 2-иловасида кўрсатилган ҳужжатларни давлат харидларининг электрон тизимига бириктириши лозим.

Малака ҳужжатлари талабгор томонидан танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонда ва харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талаблар асосида иштирокчининг таклифлари билан биргаэлектрон тизимга жойлаштирилади..

Талабгорнинг тақдим қилган ҳужжатларининг тўлиқлиги харид комиссиясининг маъсул котиби (бундан буён матнда котиб деб юритилади) томонидан ўрганилади.

Бунда, котиб томонидан уч иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда иштирокчилар тақдим қилган ҳужжатларнинг тўлиқлилиги ҳамда иштирокчилар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар ўрганилади:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги маълумотлар (ёки бошқа мамлакатларнинг ўхшаш манбалари);

иштирокчи фаолиятнинг лицензияланадиган тури билан шугулланганда, унинг “Лицензия” ахборот тизими ёки лицензияловчи органларнинг расмий сайтларидаги лицензиялар реестрида мавжудлиги;

иштирокчиларнинг махсус ахборот порталида инсофсиз ижрочилар реестрида, шунингдек тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиги миқдорини камайтириш ҳуқуқини суиистеъмол қилган корхоналар рўйхатида мавжуд ёки мавжуд эмаслиги;

иштирокчининг ишбилармонлик обрўси тўғрисидаги, шу жумладан иштирокчиларнинг расмий веб-сайти, оммавий-ахборот воситалари, у аъзо бўлган тармоқ уюшмалари ва бирлашмалари ҳамда бошқа Интернет жаҳон ахборот тармогидаги веб-сайт ва тегишли ахборот тизимлари орқали олинган маълумотлар.

Котиб томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари харид комиссиясига тақдим этилади ва харид комиссиясининг йигилишида кўриб чиқилади

Харид комиссияси қуйидагиларни кўриб чиқади ва баҳолайди:

котиб томонидан тақдим этилган ўрганиш натижаларини;

иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти, уларнинг ишлаб чиқариш қуввати ва иш тажрибаси;

иштирокчиларнинг молиявий ҳисоботлари, шунингдек солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги;

имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) иштирокчилар ва уларнинг банк ҳисобрақамлари рўйхатдан ўтказилганлиги ёки ўтказилмаганлиги;

таъсис ҳужжатлари ва фаолиятининг қонунийлиги;

манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд эмаслиги;

иштирокчиларнинг жорий буюртмачи билан илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг ижро этилмаганлиги ёки лозим даражада ижро этилмаганлиги бўйича судда иши кўрилганлиги;

иштирокчиларга нисбатан банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.

Иштирокчиларнинг малака танловини ўтказишда қуйидаги иштирокчиларга танлашда иштирок этишга йўл қўйилмайди ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди:

- малака танлови учун зарур ҳужжатлар тўпламини ўз вақтида топширмаган иштирокчилар;

- закалат маблагларини тўлиқ миқдорда ўтказиб бермаган иштирокчилар (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда);

- ўзига нисбатан банкротлик тартиб-таомиллари жорий этилган;

- буюртмачига нисбатан суд ёки арбитраж муносабатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилган иштирокчилар;

- имтиёзли солиқ режимидаги молиявий операцияларни амалга оширишда маълумотларни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудларда (оффшор ҳудудлар) рўйхатдан ўтказилган ёки мазкур ҳудудларда банк ҳисобрақамлари очган иштирокчилар;

- солиқлар ва йигимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлган;

- манфаатлар тўқнашуви ва аффилланганлик ҳолатлари мавжуд бўлган иштирокчилар;

- харид комиссияси томонидан ишчи-ходимлар малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси, иштирокчиларнинг ўз вақтида сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ёки етказиб етказиб салоҳияти ва/ёки қуввати етарли эмас деб топилган иштирокчилар;

- илгари тузилган шартномалар бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган иштирокчилар.

Малакавий баҳолаш мезонлари харид қилиш ҳужжатларини 4-иловасида келтирилган.

Дастлабки малака танлови натижалари харид комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади.

Харид комиссияси баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмасдан дастлабки малака танловидан ўтмаган иштирокчиларнинг таклифларини рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уларни хабардор қилади.

Дастлабки малака танловидан ўта олмаган иштирокчиларнинг техник ва нархга оид таклифлари кўриб чиқилмайди ва иштирокчиларга қайтариб берилади ва бу ҳақида иштирокчиларни таклифларини рўйхатга олиш китобида таклифларни қайтариб юбориш санаси ва вақти қайд этилади.

# Малака ҳужжатларининг
# РЎЙХАТИ

1. Ташкилотнинг Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг танлаш иштирокчисини муҳри билан тасдиқланган нусхаси.

2. Закалат киритилганлигини тасдиқловчи тўлов топшириқномасининг нусхаси ёки банк кафолатининг асл нусхаси (харид қилиш ҳужжатларига мувофиқ талаб қилинганда).

3. Молиявий ҳисоботлар (ташқи аудитор ташкилотлар томонидан тасдиқланган ёки солиқ органлари томонидан қабул қилинганлиги тасдиқланган ҳолда);

4. Иштирокчиларнинг ишбилармонлик обрўсини (ишчи-ходимлари малакаси, иш тажрибаси, шу жумладан махсус фаолият бўйича тажрибаси) тасдиқловчи ҳужжатлар ;

5. Ташкилот (компания) раҳбарининг танлашда иштирок этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, унинг ваколатли вакили номига ишончнома тақдим этиш талаб этилади. Бундай ишончнома қуйидагиларни амалга ошириш ваколатини беради:

- ҳужжатларни тақдим этиш;
- харид комиссияси йиғилишларида қатнашиш;
- таклифи бўйича тушунтиришлар бериш.

6. Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида Давлат солиқ инспекциясининг маълумотномаси.

7. Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза (харид қилиш ҳужжатларига 10-илова).

** Иштирокчилар ўз хоҳишига кўра фаолиятига доир қўшимча маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиши мумкин.*

Харид қилиш ҳужжатларига
3-илова

**Дастлабки малака танловини ўтказишга**
**ТАЛАБНОМА**

| **Маълумотлар номи** | **Тўлдириш учун** |
|---|---|
| **1. Умумий маълумот** | |
| Юридик шахнинг тўлиқ номи | |
| Ташкилий-ҳуқуқий шакли | |
| Солиқ тўловчининг идентификация рақами/коди | |
| Тадбиркорлик фаолияти турлари (барча лицензияланган фаолият турлари кўрсатилсин) | |
| ИФУТ (агар қўллаш мумкин бўлса) | |
| Мақоми (ишлаб чиқарувчи, дилер, бошқа) | |
| Веб-сайти | |
| Электрон алоқа манзили | |
| **2. Юридик манзил** | |
| Мамлакат | |
| Ҳудуд/вилоят | |
| Туман | |
| Шаҳар/аҳоли пункти | |
| Почта индекси | |
| Кўча | |
| Уй | |
| **3. Ҳақиқий манзил** | |
| Мамлакат | |
| Ҳудуд/вилоят | |
| Туман | |
| Шаҳар/аҳоли пункти | |
| Почта индекси | |
| Кўча | |
| Уй | |
| **4. Банк реквизитлари** | |
| Асосий ҳ/р, валюта ҳ/р | |
| МФО / Банк коди | |
| Банк номи | |
| Банк манзили | |
| **5. Қўшимча маълумотлар** | |
| Бажарган ишлари ва лойиҳаларини кўрсатган ҳолда фаолиятини тавсифлаш | |
| Ходимларнинг умумий сони | |
| Устав капиталининг қиймати | |
| **6. Талабгор тажрибаси тўғрисида маълумот** | |
| Бозорда маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб бериш тажрибаси (йил) | |

| Маълумотлар номи | Тўлдириш учун |
| --- | --- |
| Охирги 3 йил давомида маҳсулот (товар, иш ва хизмат)ларни етказиб беришда буюртмачилар томонидан билдирилган мулоҳазалар | |
| **7. Молиявий баҳолашни амалга ошириш учун маълумот** | |
| Охирги 3 йил давомидаги сотув ҳажми (йил кесимида) | |
| Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликлар | |
| - ***шундан:*** *муддати ўтган қарздорликлар* | |
| **8. Юридик баҳолашни ўтказиш учун маълумот** | |
| Талабгор фаолиятининг умумий даврида етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) сифатида тузилган шартномалар сони ва жами суммаси | |
| - ***шундан:*** *шартномалар бўйича мажбуриятларни ижро этмаслик ҳолатлари мавжудлиги (агарда мавжуд бўлса, сабабларни тавсифлаш)* | |
| Сўнгги 3 йилда судда кўрилган ишлар мавжудлиги | |

*Изоҳ:*

*1. Талабгор барча маълумотларни тасдиқлайди ва тақдим қилинган маълумотлар ишончлилиги учун жавобгар ҳисобланади.*

**Раҳбар** __________________ ______________________

*(имзо)* *(Ф.И.Ш.)*

*(муҳр)*

Харид қилиш ҳужжатларига
4-илова

## Малакавий баҳолаш мезонлари

Малакавий баҳолаш харид комиссияси томонидан танлаш бошлангунга қадар амалга оширилади. Агар талаб этилган ахборот иштирокчи томонидан тақдим этилмаса, харид комиссияси иштирокчини танлашда иштирок этишдан четлашга ҳақли.

| № | Мезон | Баҳолаш | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1. | Танлаш таклифининг қайтариб олинмаслигини таъминлайдиган закалат ёки банк кафолатининг мавжудлиги | Мавжуд/мавжуд эмас | Мавжуд бўлмаса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди. |
| 2. | Аввал тузилган шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш | Талабга жавоб беради/талабга жавоб бермайди | Агар талабга жавоб бермаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин |
| 3. | Иштирокчининг молиявий ҳолати тўғрисида маълумотларни тақдим этиш | Талабга жавоб беради/талабга жавоб бермайди (*иштирокчи маблағларининг йиллик айланмаси суммаси танлашнинг бошланғич қиймати суммасидан кам бўлиши мумкин эмас*) | Агар талабга жавоб бермаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин |
| 4. | Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик ҳолатлари | Ҳа/йўқ (*иштирокчининг кафолат хати ва буюртмачидан олинган маълумот асосида баҳоланади*) | Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди. |
| 5. | Иштирокчининг буюртмачи билан суд ёки арбитраж муносабатларга киришганлик | Ҳа/йўқ (*иштирокчининг кафолат хати ва буюртмачидан олинган маълумот асосида баҳоланади*) | Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди. |
| 6. | Иштирокчи ва унга хизмат кўрсатувчи банкнинг оффшор ҳудудларда рўйхатдан | Ҳа/йўқ | Агар ҳа бўлса, иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | ўтганлик | | чиқилмайди ва баҳоланмайди. |
| 7. | Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилганлик | Мавжуд/мавжуд эмас | Мавжуд бўлса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди. |
| 8. | Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг мавжудлиги | Мавжуд/мавжуд эмас (*иштирокчининг кафолат хати ва тақдим этилган маълумотлар асосида баҳоланади)* | Мавжуд бўлса иштирокчи танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди. |
| 9. | Иштирокчи ва унинг аффилланган шахси мазкур танлашда иштирок этмаётганлиги | Ҳа/йўқ | Агар ҳа бўлса, бир бирига аффилланган иштирокчилар танлаш савдоларидан четлаштирилади ва таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди. |
| 10. | Иштирокчи ва харид комиссиясининг аъзолари ўртасида аффилланганликнинг мавжудлиги | Ҳа/йўқ | Агар ҳа бўлса, аффилланганлиги мавжуд харид комиссиясининг аъзоси мазкур танлашда овоз беришда ва таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашда иштирок этмайди. |

## III -боб. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун таклифларни бериш тартиби

Танлаш таклифи ҳамда иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар давлат тилида ва заруратга кўра бошқа тилларда тайёрланиши мумкин.

Иштирокчиларни таклифи матни бир нечта тилда расмийлаштирилиши натижасида матн талқинида тафовутлар юзага келган тақдирда, ўзбек ёки рус тиллари устунликка эга бўлади.

Техник ҳужжатларни инглиз тилида тақдим этилишига ҳам рухсат берилади. Бунда ҳужжатнинг ўзбек ёки рус тилидаги аниқ таржимаси тақдим этилиши шарт.

Буюртмачи танлаш иштирокчиларидан харид қилиш ҳужжатлари ва қўлланилаётган харид қилиш тартиб-таомили юзасидан тушунтириш бериш тўғрисида сўров олганидан кейин сўралган тушунтиришларни икки иш куни ичида тақдим этади.

Иштирокчи ҳужжатлар тўпламини электрон конвертларда топшириши керак. Иштирокчи таклифини электрон конверт кўринишида шахсий кабинети орқали эълонда кўрсатилган муддатдан кечиктирмай тақдим этишлари лозим..

Иштирокчининг таклифининг ажралмас қисми бўлган электрон ҳужжатлар оператор томонидан белгиланган намунавий шакллар асосида тақдим этилади. Давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилган таклиф иштирокчининг ЭРИси билан тасдиқланади.

Таклиф билан биргаликда иштирокчи эскизлар, расмлар, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатларни файл сифатида жойлаштириши мумкин.

Бунда иштирокчининг таклифи давлат харидларининг электрон тизимидаги намунавий шаклларга мувофиқ ҳужжатларни бириктириш орқали тақдим этилади. Иштирокчининг танлаш таклифидаги маълумотлар бириктирилган ҳужжатлардаги маълумотларга мос келиши керак.

Таклифларини очиш муддати етиб келгунга қадар улар иштирокчилар, шунингдек, харид комиссияси масъул котиби ва аъзолари томонидан кўрилишига йўл қўйилмайди, бундан ушбу таклифларни тақдим этган иштирокчи мустасно. Мазкур талабнинг бажарилишига оператор жавобгар ҳисобланади.

Иштирокчи:

- тақдим этилаётган ахборот ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгар бўлади;
- фақат битта таклиф беришга ҳақли;
- таклифларни бериш муддати тугагунига қадар берилган таклифни қайтариб олишга ёки унга ўзгартишлар киритишга ҳақли.

Танлаш таклифида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши керак:

товар ишлаб чиқарувчи завод томонидан берилган ишончноманинг асл нусхаси (агар танлаш иштирокчиси таклиф этилаётган товар ишлаб чиқарувчиси бўлмаса);

махаллий ишлаб чиқарувчи эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

ушбу харид қилиш ҳужжатларини 7-иловасидаги шаклга мувофиқ таклиф қилинган маҳсулот учун техник топшириққа доир талабларнинг қиёсий жадвали;

асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи заводларнинг Ўзбекистон Республикасида расмий ваколатли хизмат кўрсатиш марказларининг мавжудлиги тўгрисида хат ёки бошқа ҳужжатнинг асл нусхаси, манзил ва бошқа алоқа маълумотларини (телефон, факс, электрон почта, веб-сайт) кўрсатган ҳолда;

техник ҳужжатлар (тақдим этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган рисолалар ёки бошқа ҳужжатлар).

Танлашнинг нарх бўйича таклифи харид қилиш ҳужжатларини 6-иловасидаги шаклга мувофиқ тақдим этилади.

Жойлаштирилган эълонда кўрсатилган муддат ва вақтда давлат харидларининг электрон тизими таклифларни қабул қилишни тўхтатади.

Иштирокчи харид қилиш ҳужжатларидаги талабларни тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига очиқ электрон чат орқали таклифларни бериш муддати тугайдиган санадан камида икки иш куни олдин сўров юборишга ҳақли.

Давлат буюртмачиси сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида ушбу сўровга очиқ электрон чат орқали тушунтириш юбориши шарт. Харид қилиш ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

Давлат буюртмачиси томонидан таклифларнинг таъминланиши зарурлиги белгилаган тақдирда, иштирокчи таклифи юборилгунига қадар таъминотнинг мақбуллигини тасдиқлаш тўғрисида очиқ электрон чат орқали сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўровга бир иш куни ичида жавоб беради.

Белгиланган муддат тугаганидан кейин тақдим этилган таклифлар кўриб чиқилмайди.

Танлаш таклифи харид ҳужжатларида белгиланган муддат давомида амал қилади. Иштирокчиларнинг танлаш таклифининг амал қилиш муддати танлаш таклифлари тақдим этиш муддати тугаган кундан бошлаб камида 90 кунни ташкил этиши керак.

Харид комиссияси танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Харид қилиш ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида қарор харид комиссиясининг мажлисларида қабул қилинади.

Харид қилиш ҳужжатларига
6-илова

# НАРХ ТАКЛИФИ

---

(Харид предметини номи кўрсатилади)

Сана: (танлаш таклифи берилган сана кўрсатилади).

КИМГА: Харид комиссиясига.

Биз, қуйида имзо чекувчилар, харид қилиш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, маҳсулотни ишлаб чиқиш (етказиб бериш) жараёнида ечимини топиши керак бўлган муаммолар билан танишиб чиққанлигимизни маълум қиламиз.

Барча талабларни ўрганиб чиқиб, маҳсулотларни қуйида келтирилган танлаш шартларига асосан етказиб беришни таклиф этамиз:

- тўлов шартлари - _________________________;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) шартлари -______________________;
- хизмат кўрсатиш (етказиб бериш) муддатлари- ______________________;

Етказиб бериладиган товарнинг (бажариладиган ишларнинг, кўрсатиладиган хизматларнинг) умумий қиймати_*(танлаш таклифининг умумий қиймати сон билан ва ёзма кўринишда ҳамда тўловнинг валюта шакли кўрсатилган ҳолда бўлади)* ташкил этади ва танлаш таклифининг ажралмас қисми бўлган нархлар жадвалида акс эттирилади.

Биз танлаш таклифларини қабул қилиш муддати тугаган кундан бошлаб, 90 кун давомида мазкур таклиф тартибига амал қилишга розилик билдирамиз. Ушбу танлаш таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатиб ўтилган муддат тугагунига қадар исталган вақтда қабул қилиниши мумкин. Биз харид комиссияси энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини, балки баҳолашнинг энг яхши кўрсаткичлари ва мезонларига асосланиб қарор қабул қилишини яхши тушунамиз.

Сана: «___» __________202  г.

Раҳбар ёки ваколатли шахснинг Ф.И.Ш  ва -ЭРИ

**Етказиб бериладиган товарларнинг нарх жадвали**

| № | Маҳсулот номи | Ўлчов бирилиги. | Миқдори | Ишлаб чиқарувчи мамлакат, ишлаб чиқарувчи заводнинг номи | CIP (DDP) шартларига кўра бир дона маҳсулот нархи | CIP (DDP) шартларига кўра миқдорга асосан маҳсулот қиймати |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 2 | | | | | | |
| | | | | | | |

## IV -боб. Иштирокчиларнинг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш тартиби

Закалати таъминланмаган иштирокчиларнинг таклифлари харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди (харид қилиш ҳужжатларида назарда тутилган бўлса).

Танлаш харид комиссияси томонидан белгиланган муддатда ўтказилганда давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда иштирокчилар томонидан жойлаштирилган ва уларнинг танлаш таклифларини ташкил этувчи электрон хужжатларни кўриш имкониятини беради.

Иштирокчи томонидан бириктирилган файллар унинг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларига мос бўлиши ҳамда давлат харидларининг электрон тизимидаги тўлдирилиши мажбурий бўлган электрон майдонлар тўлдирилиши керак.

. Давлат харидларининг электрон тизими иштирокчи таклиф этган нархни бошлангич нархга мувофиқлигини ва электрон майдонларнинг тўлдирилганлигини ҳамда бириктирилган файлларнинг мавжудлигини текширади. Иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх бошлангич нархдан юқори бўлса, шунингдек тўлдирилиши мажбурий бўлган майдонлар тўлдирилмаган бўлса ёки бириктирилиши мажбурий бўлган файллар мавжуд бўлмаса, давлат харидларининг электрон тизими рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда иштирокчининг таклифини рад этади. Бириктирилган файллардаги маълумотларнинг иштирокчининг танлаш таклифида кўрсатилган маълумотларга мувофиқлигини текшириш харид комиссиясининг масъул котиби томонидан амалга оширилади.

Агар таклифни киритган танлаш иштирокчиси Қонунда белгиланган талабларга мос келмаса ёхуд танлаш иштирокчисининг таклифи харид қилиш ҳужжатлари талабларига мос келмаса, харид комиссияси таклифни рад этади.

Агар танлаш таклифи Қонуннинг ва танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, у тегишли тарзда расмийлаштирилган деб топилади. Танлаш таклифи тегишли тарзда расмийлаштирилганлиги ёки расмийлаштирилмаганлиги бўйича харид комиссияси масъул котибининг қарори унинг асосланган сабаблари билан харид комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

Иштирокчининг танлаш таклифи талабларга мос келмаганлиги тўғрисидаги қарор, ушбу қарор қабул қилинган кунда иштирокчининг шахсий кабинетига юборилади.

Танлаш голибини аниқлаш учун танлаш таклифларини баҳолаш танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган мезонлар ва усул асосида амалга оширилади.

Баҳолаш пайтида харид комиссиясининг масъул котиби иштирокчиларидан таклифлари бўйича тушунтиришлар сўрашга ҳақли. Мазкур жараён электрон шаклда ўтказилади.Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳияти, шунингдек нархи юзасидан бирор-бир ўзгартиришларга йўл қўйилмайди.

Танлаш таклифи танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатлари билан белгиланган муддат мобайнида кучда қолади.

Танлаш иштирокчилари таклифларини турли валюталарда тақдим этган ҳолларда, баҳолаш жараёнида таклиф қиймати конверт очилган санадаги Ўзбекистон

Республикаси Марказий банкининг ягона валюта курси бўйича қайта ҳисобланади.

Арифметик ёки бошқа хатоликлар аниқланган тақдирда харид комиссияси иштирокчиларини хабардор қилган ҳолда, таклифини рад этиш ёки келгусида кўриб чиқишнинг бошқа шартларини белгилаб беришга ҳақли.

Чет эллик ва маҳаллий иштирокчиларнинг таклиф этаётган нархларини объектив тарзда таққослаш мақсадида баҳолаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тегишли харажатлар ҳисобга олинади (солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар).

Танлашда чет эллик етказиб берувчилар билан бир қаторда камида учта маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирок этса, агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорларига кўра ушбу маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг таклифларни баҳолашда чет эллик етказиб берувчилар томонидан таклиф этилган нархдан 15 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда преференциялар берилиши мумкин.

Танлаш иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тугаган пайтдан эътиборан ўн иш кунидан ошиши мумкин эмас.

Танлаш иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги ахборотнинг ишончсиз эканлиги аниқланган тақдирда, харид комиссияси бундай иштирокчини харид қилиш тартиб-таомилининг исталган босқичида танлашда иштирок этишдан четлатишга ҳақли.

Иштирокчиларнинг таклифлари харид қидиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини баҳолаш мақсадида харид комиссияси комиссия аъзолари ва мустақил экспертлардан, тор доирадаги мутахассислардан иборат бўлган ишчи гуруҳ тузишга ҳақли.

Келиб тушган таклифлар харид комиссияси ёки мутахасислар иштирокидаги ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилиб, баҳоланиши мумкин. Бунда, ишчи гуруҳи томонидан баҳоланганда харид комиссиясига хулоса шаклидаги ҳисобот тақдим этилади. Редакция ташкил этиш ва бахолаши мумкинлиги.

Харид комиссияси иштирокчиларни таклифларини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган техник хусусиятларга доир талабларга мувофиқлигини харид қилиш хужжатларини 7-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди.

Давлат харидларини амалга оширишда экологик муҳитни яхшилашга кўмаклашиш ёки атроф-муҳитга бўлган салбий таъсирни камайтириш мақсадида иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва ижрочини аниқлаш жараёнида энергия самарадорлиги, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик жиҳатдан мақбул материаллардан ҳамда иккиламчи хом ашёдан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мезонлардан ва харид қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) экологик мақбуллигини баҳолашга оид бошқа омиллардан фойдаланилиши мумкин. Бунда таклифларни бахолаш жараёнида иштирокчиларга қўшимча балл белгиланиши мумкин.

Танлаш таклифининг миқдорий кўрсаткичларини, шу жумладан нарх қисмини баҳолаш давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик равишда амалга оширилади.

Танлашда нархи бошланғич нархдан ошган иштирокчиларнинг таклифлари кўриб чиқилмайди ва баҳоланмайди.

Миқдор кўрсаткичларига эга бўлмаган таклифнинг техник қисмининг мезонлари (эксперт мезонлари) бўйича иштирокчиларнинг таклифларини баҳолаш ва таққослаш харид комиссияси томонидан овоз бериш орқали амалга оширилади.

Харид комиссияси ғолибни аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни харид қилиш ҳужжатларида қайд этилган мезонлар асосида баҳолашни амалга оширади.Харид комиссияси иштирокчиларни нарх таклифини харид қилиш ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини харид қилиш хужжатарини 8-иловасида кўрсатилган мезонлар бўйича баҳолайди.

Танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида белгиланган шартлардан келиб чиқиб давлат харидларининг электрон тизими автоматик равишда:

танлаш таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг юқори балл тўплаган иштирокчини (балл усулидан фойдаланганда);

танлаш таклифларининг техник қисмини баҳолаш натижаларига кўра танлашда иштирок этишни давом эттиришга рухсат берилган иштирокчилар орасидан энг паст нархни таклиф этган иштирокчини (энг паст нарх усулидан фойдаланганда) ғолиб сифатида аниқлайди.

Икки ёки ундан ортиқ иштирокчилар бир хил балл тўплаган бўлса (балл усулидан фойдаланганда) ёки бир хил нарх таклиф қилган бўлса (энг паст нарх усулидан фойдаланганда), танлаш таклифини барчадан олдин жойлаштирган иштирокчи ғолиб деб топилади.

Харид комиссиясининг қарори билан танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларида ва таклифда кўрсатилган мезонларга мувофиқ ғолибнинг таклифидан кейинги энг мақбул таклифни тақдим этган иштирокчи сифатида эътироф этилган захирадаги ғолиб аниқланиши мумкин.

Танлаш таклифларини кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш натижалари давлат харидларининг электрон тизимида автоматик равишда шаклланган дастлабки электрон баённомада қайд этилади ва танлаш ўтказиш бўйича харид комиссияси аъзолари томонидан ЭРИдан фойдаланган ҳолда имзоланади.

Таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш баённомасида харид комиссияси таклифларни рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда рад этилган танлаш иштирокчилари ҳақидаги ахборотларни қайд этади.

Баённома давлат буюртмачиси томонидан у расмийлаштирилган кунда давлат харидларининг электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилиши керак.

Агар икки иш куни ичида танлаш иштирокчилари томонидан танлаш ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар келиб тушмаган бўлса, давлат буюртмачиси ва харид комиссияси томонидан ғолиб деб топилган иштирокчи ўртасида шартнома тузилади.

Муҳокама учун белгиланган муддат тугаганидан кейин келиб тушган эътирозлар харид комиссияси томонидан кўриб чиқилмайди.

Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилади.

Иштирокчиларнинг таклифни таъминлаш маблағи, ғолиб аниқлангандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Ғолиб иштирокчининг таклифни таъминлаш маблағи, шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг икки иш куни мобайнида қайтарилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
7-илова

**1 -. Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш.**

Таклифларни техник жиҳатдан баҳолаш танлашнинг техник таклифларига оид ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

***Техник баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан баҳоланади.***

| № | Мезон | Баҳолаш | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| 1 | Харид қилиш ҳужжатларининг техник қисми талабларига мувофиқлиги | Мувофиқ бўлса – 10 балл<br>Мувофиқ эмас – 0 балл | Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин |
| 2. | Ишлаб чиқарувчининг ишончномаси | Мавжуд – 10 балл<br>Мавжуд эмас – 0 балл | Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин |
| 3. | Хизмат кўрсатиш марказининг мавжудлиги | Мавжуд – 10 балл<br>Мавжуд эмас – 0 балл | Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин |

**Таклиф қилинаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали**

*Танлаш _____ (танлаш рақами ва санаси кўрсатилади)*

| № | Параметр номи | Техник хусусиятларига доир талабларига мувофиқ кўрсаткич | Иштирокчининг таклифига биноан кўрсаткич | Кафолат муддати | Изоҳ (мос/мос эмас) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | | | | | |
| 2 | | | | | |
| | | | | | |

Харид қилиш ҳужжатларига
8-илова

**2. Таклифларни нарх жиҳатдан баҳолаш**

***Нарх жиҳатдан баҳолаш мезонлари харид комиссиясининг хар бир аъзоси томонидан баҳоланади.***

| № | Мезон | Баҳолаш | Изоҳ |
|---|---|---|---|
| **1.** | Энг паст нарх | Энг паст – 10 балл<br>Энг юқори– 0 балл<br>Энг паст нарх энг юқори баҳоланади.<br>Энг юқори нарх энг паст баҳоланади. | Бунда баллар кўлами иштирокчиларнинг таклифлари сонига қараб шакллантирилади. |
| **2.** | Тўлов шартлари | Энг юқори – 10 балл<br>Энг паси – 0 балл | Харид қилиш ҳужжатларида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлиши лозим. |
| **3.** | Етказиб бериш муддати | Энг юқори – 10 балл<br>Энг паси – 0 балл<br>Энг кам муддат энг юқори баҳоланади.<br>Энг кўп муддат энг паст баҳоланади. | Бунда баллар кўлами иштирокчиларнинг таклифлари сонига қараб шакллантирилади. |

Харид қилиш ҳужжатларига
9-илова

**ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ БАҲОЛАШНИНГ ЯКУНИЙ ЖАДВАЛИ**

| **Т/р** | **Мезон номи** | **Тўплаган бали** | **Ошириладиган миқдори** | **Танлаш иштирокчиси номи** | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |
| 1. | **Техник жиҳатдан баҳолаш натижаси** | | 1.60 | | | |
| 2. | Нарх жиҳатдан баҳолаш | | 1.40 | | | |
| Жами баллар | | | | | | |

## VI -боб. Энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича шартнома тузиш тартиби

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида ғолиб аниқланган вақтдан бошлаб ўн иш кунлик муддатдан кечиктирмасдан тузилади.

Ғолиб шартнома тузишдан бош тортган тақдирда унга закалат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нархда (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишдан бош тортиши мумкин.

Танлаш ўтказиш натижаларига кўра шартнома электрон шаклда тузилади, томонларнинг ЭРИси билан тасдиқланади ҳамда шартномаларнинг ягона реестрига киритилади.

Танлаш натижалари бўйича тузилган шартнома тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига у тузилган кундан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай жойлаштирилади.

Танлаш натижалари бўйича шартнома харид қилиш ҳужжатларини 11-иловасида кўрсатилган шаклда тузилади.

Харид қилиш ҳужжатларига
10-илова

№:_______Сана:_________

**Харид комиссияси**

**КОРРУПЦИЯ КЎРИНИШЛАРИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАСЛИК БЎЙИЧА АРИЗА**

Мен,_________________________________________________*(харид тартиб-таомили иштирокчисининг номи кўрсатилади)* товар етказиб бериш учун *(таклиф этилаётган товар турлари кўрсатиб ўтилади)* ўтказилаётган энг яхши таклифларни танлаш воситасидаги давлат харидида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга йўл қўймаслик мажбуриятини оламан.

Мен коррупциянинг қуйидаги кўринишларига йўл қўймасликни кафолатлайман:

- Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш;
- ўз мансаб ёки хизмат мавқеимдан шахсий манфаатларимни ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиш;
- танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларини қонунчиликка зид тартибда расмийлаштириш;
- танлаш бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини қонунчиликка зид тартибда амалга ошириш;
- давлат харидлари субъектларига таъсир ўтказиш, жумладан, пора беришни таклиф қилиш, ваъда бериш, товламачилик қилиш, пора сифатида пул тўлаш, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш;
- манфаатлар тўқнашувига;
- танлашда иштирок этаётган бошқа иштирокчилар билан тил бириктириш;
- ишончсиз ёки бузиб кўрсатилган ахборотни тақдим этиш.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатлари аниқланган тақдирда қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилишга розилик билдираман.

Раҳбарнинг Ф.И.Ш.:________________________________________
Телефон/факс рақами:_______________________________________
Электрон почта манзили:____________________________

ЭРИ:

-